

## V. ШАРТНОМА ШАКЛИ

### ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА №105205

Бухоро ш

27 июн 2022 йил

"MARJONA FOOD CENTER" МЧЖ (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Б.Худоёров (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва РИО ва РИАТМ Бухоро филиали, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи марказ бош врач Ф.Саидов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

#### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" " Буюртмачи "га РИО ва РИАТМ Бухоро филиалида беморлар учун иссиқ овқат ташкил этиш (аутсорсинг) (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.
- 1.3. "Хизматлар"ни кўрсатиш муддати 2022 йил 27 июндан 2022 йил 31 декабргача амалга оширилади.

#### II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

##### 2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" " Буюртмачи "нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
  - зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;
  - "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
  - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

##### 2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджет маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;
- 2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

##### 2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

##### 2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

- 2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ҳазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;
- 2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекиншига йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 15 кун муддатда текин тузатиб бериш.
- 2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

#### III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 208 000 000 (икки юз саккиз миллион) сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 30 фоизи миқдорида 2022 йилнинг июн ойида олдиндан ҳақ тўлайди ва Кўрсатилган "Хизматлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин "Хизматлар" туркуми суммасининг 70 фоизи миқдорида 2022 йилнинг декабр ойигача якуний тўловни амалга оширади.

#### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажариллиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажариллишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажариллишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Бююртма"нинг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Бююртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Бююртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Бююртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Бююртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Бююртмачи"нинг бююртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Бююртмачиларнинг бююртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Бююртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Бююртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Бююртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.
- 4.8. "Бююртмачи" илгари берилган бююртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни бююртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

#### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажариллиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Бююртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Бююртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарини тўлайди.
- 5.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Бююртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Бююртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

#### **VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

- 7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «27» июндан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
- 7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманиннг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### **VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ**

8.1. 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган "Бюджет тизими Бюджетларининг Ғазна ижроси қондалари 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 121 ва 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек бююртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга онд шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олинлиши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

#### **IX. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР**

- 9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибидан бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади.  
9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.  
9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

#### Х. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**Бажарувчи:**

**"MARJONA FOOD CENTER" МЧЖ**

Манзил: Ромитан туман Хоса қишлоғи

Тел: +99 893 455 56 00

Р/с: 20208000705117820001

Банк: Бухоро ш., АТ Саноат-Курилиш

банки Туқимачилик ф.

МФО: 00862

ИНН: 306 667 043

ОКЭД: 56290

**Буюртмачи:**

**РИО ва РИАТМ Бухоро филиали**

Манзил: Бухоро шаҳри А.Ғиждувоний 71

Тел./факс: 99 102 2888

ш/ғхв: 100021860064017073101054008

бюд.маблағ олувчи СТИРи: 201511924

ОКОНХ: 91513

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Ғазначилиги

Ғаз./х: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш.

МФО: 00014

Ғазначилик булинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар:



Б.Худайберов



Директор

Ғ.Н.Саидов

Юрист:  М. Соҳиқов

## СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Наименование	Ед-изм	Кол-во	Цена	Сумма
1	РНО ва РИАТМ Бухоро филиалида беморлар учун иссик овқат ташкил этиш (аутсорсинг 143 койкага 60 кун давомида)	услуг	1	208 000 000	208 000 000

**Бажарувчи:****"MARJONA FOOD CENTER" МЧЖ**

Манзил: Ромитан туман Хоса кишлоғи

Тел: +99 893 455 56 00

Р/с: 20208000705117820001

Банк: Бухоро ш., АТ Саноат-Курилиш банки Тукимачилик ф.

МФО: 00862

ИНН: 306 667 043

ОКЭД: 56290

**Буюртмачи:****РНО ва РИАТМ Бухоро филиали**

Манзил: Бухоро шаҳри А.Ғиждувоний 71

Тел./факс: 99 102 2888

ш/ғхв: 100021860064017073101054008

бюд.маблағ олувчи СТИРи: 201511924

ОКОНХ: 91513

Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Ғазначилиги

Ғаз./х: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш.

МФО: 00014

Ғазначилик булинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар:



Б.Қудоев

Директор:



Ғ.Н.Саидов

Қорсет:  Ж.Қодиров